



## МАМЛАКАТИМИЗДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Sirojiddinov Asliddin Abduvahidjan ugli

Gulistan State University Faculty of Production Technologies Master of the 1st stage

**Аннотатсия:** *жаҳонда иқтисодий ва озиқ-овқат инкирозлари тобора чуқурлашаётган бир даврда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада чора-тадбирларни амалга ошириш, бундай аграр сиёсат мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг ошишига хизмат қилиши ва бошқалар.*

**Калит сўзлар:** *Қишлоқ хўжалиги, мева, сектор, қарор, пахта, сабзавот, фермер.*

Сўнги йилларда давлатлар иқтисодиётини ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини юқори суръатларда ўсиб бориши ва уни аксарият ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида катта наф кўриши кўзда тутилган бўлсада, амалда ривожланган Голландия, Германия, АҚШ ва Шарқий Европа давлатлари каби давлатларда катта фойда кўриши кузатилмоқда. Бунда биринчидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этиш эвазига давлат томонидан катта субсидиялар ажратилиши бўлса, иккинчи томондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда соҳага чакана савдо супермаркетлари билан ҳамкорликда ишлаш харажатларни камайтиришга сабаб бўлди. Натижада озиқ – овқат таъминотини сон ва сифат жиҳатидан ортиши эвазига унинг хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масаласи, биринчидан, аҳоли эҳтиёжини ушбу маҳсулотлар билан таъминланганлиги бўлса, иккинчи томондан унга қўйилган медицина талабларидан келиб чиқиб, унинг зарарсизлиги туради. Яъни бунда озиқ – овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бир томондан аҳоли сонининг ортиб бориши ва уни дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ер ва сув ресурсларини тақчиллигини эътиборга олган ҳолда унга бўлган мос талабни қондириш бўлса, иккинчи томондан, озиқ – овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига қўйилган санитария меъёрий талабларни кескинлашуви ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни давр тақозосига айлантириб бормоқда. Мустақилликкача бўлган даврда аҳолини дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг қарийиб 80% ташқаридан келтирилган маҳсулотлар билан таъминланар эди. Мамлакатимизда олиб борилган “Ғалла мустақиллиги” давлат доктринаси натижасида аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлаш 2015 йилга келиб 8176,6 минг тоннага етказилди ва унинг эҳтиёжи 136,7% бажарилди. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масаласи юзасидан олиб борилган босқичма – босқич ташкилий-ҳуқуқий, институционал ислохатлар натижасида ушбу масалага бўлган концептуал ёндашувни тизимли ташкил қилиниши 2030 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг тузулмавий



трансформация концепциясида келтирилган туб муаммони аниқ механизмлар асосида минималлаштириш, ваҳоланки, ушбу соҳада кутилаётган зарарларни камайтириш имконини бермоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ва тузулмавий ўзгаришлар ислоҳоти, унинг тизимли ва мантикий кетма-кетлиги ва соҳадаги ўзгаришларни халқаро миқёсда тан олиб борилиши, ушбу соҳа салоҳиятини янада интенсив такомиллаштиришнинг мавжуд ресурслар тақчиллиги шароитида жаҳон бозоридаги озик – овқат маҳсулотларига бўлган талабни тобора ортиб боришини назарда тутган ҳолда уни ривожлантириш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Бундан келиб чиқадиган натижа соҳада хавфсизликни барқарорлаштириш ва рақобат устуңлигига эришишдир.

Яқин кунларгача (10 – 15 йил олдин) қишлоқ хужалик соҳасида Ўзбекистон Республикаси қийинчилик даврини бошдан кечираётган эди, яъни ишлаб чиқариш қувватлари эскириб бораётганлиги сабабли ишлаб чиқариш хажмининг кескин камайиши ва чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик маҳсулотларига булган талабнинг ортиши натижаси бозор мувозанатининг бузилиши кузатилаётган эди.

Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари қурилган узум, олма шафтоли ва ёнғоқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, улар билан биринчи навбатда ички бозорни тулдириш, мамлакатимизнинг қайта ишлаш қорхоналари эҳтиёжларини таъминлаш, шунингдек маҳсулотларни экспортга етказиб беришни пухта ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳамасининг қатор қарорлари қабул қилинган бўлиб, бунга 17.07.2007 йилдаги «Мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва ёнғоқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 145 – сонли қарори мисол қилиб келтириш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хужалигида амалга оширилган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар аграр соҳада туб ўзгаришларга олиб келди. Энг аввало, пахта яққахоқимлиги барҳам топди, аграр ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзбек халқининг менталитетига мос ва жаҳоннинг илгор тажрибасига асосланган шакллари – дехқон ва фермер хужаликлари ташкил этилди. Маҳкамавий бошқарув тизими бартараф этилиб, ўрнига бозор усуллари тадбиқ этила бошланди. Бу эса ўз навбатида қайта ишловчи тармоқларни қишлоқ хужалиги хомашёси билан, аҳолини эса озик-овқат маҳсулотлари билан тула таъминлашга асос яратди. Шунингдек, қишлоқ хужалиги экспорт борасида ҳам етакчи соҳалардан бирига айланди. Энг асосийси қиска муддатда мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигига эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиковқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни қупайтириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармони мазкур жараённи яна давом эттиришни назарда тутди. Унга биноан пахта етиштириладиган майдонлар қисқартирилиб, бошқоқ дон экинлари майдонини қарийб 50 минг гектарга, шунингдек, мева-сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озик-овқат экинлари майдонини янада кенгайтириш қузда тугилади. Демографик жараёнлар ҳамда ер-сув



ресурслари такчиллиги янада мураккаблашиб бораётган бир шароитда, хосилдор экин майдонлари таркибининг бозор муносабатлари талабларидан келиб чикиб ўзгартирилиши сабзавот, картошка махсулотлари микдорининг купайиши билан бир каторда, дон ва дуккакли усимликлар, сабзавот, полиз, мева ва ёнғоқ махсулотларининг турлари ҳамда ассортименти кенгайишига асос бўлиб хизмат килди. Юртимиз асрлар давомида озик-овкат махсулотлари билан наинки ўзини ўзи тула бокиб келган, балки кушнилариимизга уларни экспорт ҳам килиб келган. Лекин мустамлака даврида Ўзбекистон собик тузум енгил ва тукумачилик саноатини арзон ва сифатли пахта хомашёси билан таъминловчи базага айлантирилди. Шу боис, юртимизга озик-овкат махсулотларининг муайян қисми бошқа республикалардан олиб келина бошланди. 2001 йилга келиб Ўзбекистон яна дон экспорт килиш даражасига ета олди. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий экспорти ҳажмида озиковкат махсулотларининг улуши 1997 йилда атиги 3,2 фоизни ташкил этган бўлиб, 2007 йилда у 8,5 фоизга етди. Ва аксинча, давлатнинг озик-овкат импортига қарамлилик даражаси қисқариши кузатилмоқда. Яъни 1997 йилда озик-овкат махсулотлари импорти 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда мазкур курсаткич 7,9 фоизга тушди. Бундай натижага нафакат мева, сабзавот-полиз, консерва каби махсулотларни кенг ҳажмда ишлаб чиқарилиши ҳисобига, балки уннос, гушт ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам эришилди. Мамлакат аграр сектори эртапишар ва кечпишар мева ҳамда сабзавот, полиз, ёнғоқ, писта-бодом каби махсулотларни ишлаб чиқаришда катта салоҳиятга эга. Улар буйича таклифлар ички талабдан юқори бўлиб, экспорт ҳажмини ошириш учун қулай имконият яратади. Шу боис, қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мақсадида дехкон ва фермер ҳужаликлари етиштирган мева-сабзавот махсулотларини сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш ва қайта ишлашда кумак беришни ташкил этиш мақсадида фермерларнинг агрофирма каби ихтиёрий уюшмалари яна қайтадан ташкил қилинди. Агрофирмалар хорижий давлатларга қишлоқ ҳужалиги махсулотларини экспорт қилиш ҳажмларининг купайишига муайян ҳисса қушишмоқда. Масалан, биргина 2007 йилнинг ўзида мавжуд 195 та агрофирманинг 64 таси йил давомида 6 минг тоннага яқин махсулот экспорт қилишга эришди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон нафакат ҳужаликлараро ва агросаноат кооперациялари ҳисобига озик-овкат ҳавфсизлигини таъминламоқда, балки у Ҳамдустлик давлатлари озик-овкат бозорига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қушиб келмоқда. Ҳукуматимиз аграр соҳанинг барқарор ривожланиши учун катта кумак бериб келмоқда. Қишлоқ ҳужалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўз ичига қуйидаги асосий йўналишларни олади: қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда яққа тартибдаги ишлаб чиқарувчилар аҳамиятини қучайтириш; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш; дехкон ва фермер ҳужаликларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш; қичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш; уларни аҳоли турмуш тарзини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлантириш;



истеъмол бозорларини кишлок хужалиги махсулотлари билан тулдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириш; мамлакат худудларида импорт урнини босувчи махсулотлар хажмини купайтириш ва экспортни давлат томонидан куллаб-қувватлаш. Хулоса килиб айтадиган булсак, жaxonда иктисодий ва озик-овкат инкирозлари тобора чуқурлашаётган бир даврда мамлакатимизда озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Бундай аграр сиёсат мамлакатимиз ахолиси турмуш даражасининг ошишига хизмат килаяпти.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Karimov I.A. Dehqonchilik taraqqiyoti farovonlik manbai.T.:O‘zbekiston, 1994.
2. Karimov I.A. “O‘zbekiston iqtisodiy islohotlarini chuqurlashtirish yo‘lida” T. “O‘zbekiston” 1995 yil
3. IFPRI International Food Policy Research Institut, Mark W. Rosegrant, Michael S. Paisner, Siet Meijer, Julie Witcover, 2020 Global Food Outlook: Trends, Alternatives, and Choices, August 2001.
4. Reardon, T., Barrett, C.B., Berdegue, J.A. & Swinnen, J. F. M.. Agrifood Industry Transformation and Farmers in Developing Countries, 2009.
5. Жонихонов М., Раҳмонов С. Озик-овкат дастури: мамлакат тараққиёти, иктисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси.//Халқ сўзи, 2014йил 7июнь.
6. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иктисодий хавфсизлиги.Ўқув қўлланма.- Т.: Akademiya, 2012